# Сурхондарёда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди



Йиғилишда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши раиси Тўра Боболов, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари Умида Тўхташева, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Мирзиёд Махкамов, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вакиллари ҳамда ҳудудий кенгашнинг аъзолари иштирок этишди.

Унда коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва ҳудудий кенгашларнинг ўрни, уларнинг бюджет ва инвестиция маблағларининг самарали сарфланиши ва давлат харидлари жараёнларидаги иштироки тўғрисида маълумотлар берилди.